



TÜRKISTAN



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиңа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиңади

2025 йил 3 апрель, пайшанба, №35 (3536).

## ҚОЗОҒИСТОН – СЛОВЕНИЯ: ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ



KAZINFORM. Словения Президенти Наташа Пирц-Мусар расмий ташириф билан Қозоғистонга келди ва ташириф якунлари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Акўрда матбуот хизмати хабарига кўра, музокаралар якунлари бўйича президентлар Кўшма баёнот қабул қилдилар. Бун-дан ташқари, расмий делегация аъзолари қўйидаги ҳужжатларни имзоладилар:

1. Қозоғистон Республикаси

Фан ва олий таълим вазирлиги ва Словения Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўртасида таълим ва фан соҳасига ўзаро англашув меморандуми;

2. Қозоғистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ва Словения Республикаси Иктисо-

диёт, туризм ва спорт вазирлиги ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми;

3. Қозоғистон Ташки савдо палатаси ва Словения Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОН – СЛОВЕНИЯ БИЗНЕС АНЖУМАНИДА ИШТИРОК ЭТДИ

KAZINFORM. ҚР Президенти ўтган 30 йил мобайнида Қозоғистон ва Словения ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган мустаҳкам сиёсий ва дипломатик алоқалар ўрнатилганини таъкидлади, дея ҳабар беради Акўрданинг матбуот хизмати.

– Қозоғистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган минтақадаги энг йирик давлатлардан биридир. Ўтган йили мамлакат иқтисодиётининг ўсиши 4,8 физони ташкил этиди. Бу тахмин қилинган дунёвий ўсишдан 1,5 баравар юкори. Биз кенг кўллами сиёсий ва иқтисодий испоҳотларни амалга ошириш орқали ушбу тараққиёт кўрсаткичларини сақлаб қолишни кўзламоқдамиз, – деди Қ. Тўқаев.

Президент Қозоғистон Евроasiёда етакчи савдо-логистика марказига айланышга интилётганини, стратегик жойлашуви бунга имкон бериниша таъкидлади.

– Ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб юк ташиш ҳажми рекорд даражага этиб, 514 тонна-чакиримга етди. Ҳозирда Қозоғистон Европа ва Хитой ўртасидаги куруклигидаги транспортнинг 90 физони таъминлайди. Биз “Ўрта даҳлиз” ва “Шимол-жануб” каби ҳалқаро транспорт йўналишларини ривожлантиришин ўз зиммамизга олдик. Қаспий денизигизда юк ташишида Ақтау ва Қурик портлари муҳим ўрин туради. Ўтган йили ушбу

денгиз портларидан жўнатилган юк ҳажми 4,5 миллион тоннага этиди. Бу – рекорд натика. Бу борада транспорт алоқаларини мустаҳкамла ва савdonи рафтаблантириши максадида Словениянинг энг йирик Копер порти билан тажриба алмашиб ва ҳамкорликни чукурлаштириш ниятидамиз, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари саноат ва энергетика соҳаларидағи ҳамкорликни иккى томонлама муносабатларнинг истиқболи йўналиши сифатида қайд этиди. Президентнинг сўзларига кўра, Қозоғистон нефтининг 70 физони якими Европа Иттифоқига экспорт қилинади. Ўрганилган табиий газ захиралари 3 трилион куб метрни ташкил қиласди. Кўмир захиралари 34 миллиард тоннани ташкил этиб, мамлакатин дунёнинг биринчи ўнталигига киритди.

– Бугунги кунда Қозоғистонда Европа Иттифоқи иқтисодиёти учун алоҳида аҳамиятнига эга бўлган 34та ноёб минераллардан 19таси қазиб олинади. Бу соҳа салоҳиятнидан тўлиқ фойдаланиш максадида жаҳоннинг етакчи компаниялари билан pragmatik формула бўйича, яъни “хомаше ўрнига сармоя ва технология” тамоили асосида ҳамкорлик киласиди. Кўплаб йирик ҳалқаро компаниялар Қозоғистонда яшил энергияга сармоя киритмоқда, жумладан, Франциянинг Total, Италиянинг Eni, Бирлашган Араб Амирликларининг Masdar, Германия ва Швециянинг Svevind Energy Group. Бозоримизда

Словениянинг Iskra, Gorenje каби етакчи компаниялари муввафқияти фаoliyati юритмоқда, – деди ҚР Президенти.

Давлат раҳбари мамлакатда қишлоқ ҳужалигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу соҳа жаҳон озиқ-овқат ҳафзисиги муаммосини ҳам этишда муҳим ўрин туадётганини таъкидлади. Бугунги кунда мамлакат қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари дунёнинг 70дан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда.

Қ. Тўқаев Қозоғистон агросаноат мажмусини юкори технологияни шўъбага айлантириш режаси ҳақида маълум қилди ва словениялик ҳамкорларни кўшма сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга таклиф қиласди.

Президентнинг таъкидлашича, фармацивтика соҳасида Словениянинг Krka, Lek каби етакчи компаниялари билан ҳамкорлик маҳаллий ишлаб чиқариши кўпайтириш ва мамлакатнинг технологик салоҳиятини кенгайтишга ҳизмат қиласди.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари Словениянинг жадал ривожланаётган инновацион IT соҳасини илмий тадқиқотлар, стартаплар ва технологик таълим йўналишларида ҳамкорликни йўлга кўшишга чақириди.

Қозоғистон Президенти молиявий ҳизматлар ва сармоялар соҳасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратди. У Словения ишбилиармон доиралари вакилларини Астана ҳалқаро молия маркази салоҳиятини ўрганишига ушбу экотизимга қўшилишга тақлиф қиласди.

## SIM-карталар учун биометрик идентификация

KAZINFORM. Қозоғистонда SIM-карталарни харид қилишда биометрик идентификация тизими жорий этилади.

Бу ҳақда Ҳукумат йилишида ҚР Рақами тараққиёт инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири Жаслан Мадиев маълум қилди.

– Янги SIM-карталарни харид қилишда биометрик идентификация жорий этилади. SIM-карталарни учинчи шахс-ларга ноконуний ўтказиш ва SIM-карталардан ноконуний фойдаланиш ҳолатлари учун масъ-



улият кучайтирилади, – деди вазир Ҳукумат раҳбарининг саволига жавоб берар экан.

Маърузачи, шунингдек, фирибгарлик тўғрисидаги конун кучайтирилаётганини таъкидлади. Улар Парламент аъзолари – Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиши.

KAZINFORM. ҚР Туризм ва спорт вазирлиги 31 мартадан 6 апрелгача ўтадиган спорт таддирларни жадвалини ёълон қиласди.

1-7 апрель: Фристайл-акробатика бўйича Европа кубоги

Ушбу турнирда мамлакат шарафини 3 нафар спортични ҳимоя қиласди.

Ўтказилиш жойи: Айроло шахри, Швеция.

1-8 апрель: Сузиш бўйича Poland Diving Cup турнири


Халқаро мусобақада Қозоғистон терма жамоасидан 5 нафар спортични иштирок этади.

Ўтказилиш жойи: Жешув шахри, Польша.

1-11 апрель: Стендда отиш бўйича Жаҳон кубоги

Кубок мусобақасида 9 нафар ҳамюртимиз куч синашади.

## СПОРТ – ТИНЧЛИК ТИМСОЛИ



5-6 апрель: Пара таэквондо бўйича Қозоғистон кубоги

Турнирда 12 вилоятдан 49 нафар спортич иштирок этади.

Ўтказилиш жойи: Шимкент шахри.

5-7 апрель: Тенге олиш бўйича II Осиё кубоги

Мусобақасида Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Мұғалистан, Россия, Татаристон, Туркманистон, Ўзбекистондан йигирмадан ортиқ спортич ғолиблик учун кураш олиб боради.

Ўтказилиш жойи: Шимкент шахри.

» МИЛЛИЙ ҚУРУЛТОЙ  
ТАВСИЯЛАРИ – ҲАЁТГА!



## БОШ МАҚСАД – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ

ПРЕЗИДЕНТ МИЛЛИЙ ҚУРУЛТОЙДА КЎТАРИЛГАН  
ТАШАББУСЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
РЕЖАСИНИ ИМЗОЛАДИ

ASTANA. Kazinform. 53 банддан иборат мазкур хуҷжат Президент Маъмурияти томонидан Ҳукумат билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Бу ҳақда ҚР давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин ўзининг Telegram-каналида ёзди.

«Режада давлат раҳбарининг гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги топшириқларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган», дейла таъкидлаб Ерлан Қарин.

Давлат раҳбарининг инсонпарварлик ташаббуслари амалга ошириш учун:

- «Қозоғистон болалари» ягона дастурини ишлаб чиқиш;
- Ички сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 2026-2028 йилларга мўлжаллаланган гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик воситаларининг ноконуний айланимига қарши курашиб бўйича янги мажмавий режани қабул килиш;

- Миллий рақамли архивни яратиш;
- Минтақаларда бизнес вакилларини жалб этган ҳолда театрлар куриш ва ривожлантириш, шунингдек, миллий театрларни кўллаб-куватлаш;
- Хорижда Абай институтини очиш;
- Биологик хилма-хиллини муҳофоза қилиш ҳалқаро жамғармасини ташкил этиш тутилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар қаторида қўйдаги қайд этиш мумкин:

- «Бадатир мактаб» миллий лойиҳасини амалга ошириши давом этиши, уч йил ичиди 1300та мактабни янгилаш;
- Алоҳида эҳтиёжи шахслар учун замонавий реабилитация марказларини очиш, ҳар бир вилоят марказида алоҳида эҳтиёжи болалар учун реабилитация ва ривожланши марказларини ташкил этиши;
- Ҳудудий тараққиёт концепциясига янгича ёндашувларни жорий этиши;

• 2025-2026 йилларга йирик инфратузилма лойиҳарини амалга ошириш, жумладан, Астанадан Арқалик, Тўрғай ва Иргиз орқали бевосита Транскаспий ҳалқаро транспорт йўллагига олиб борувчи автомобиль йўлини куриш ва замонавийлаштириш, Арқалик шахридаги аэропортни реконструкция қилиш ва янги аэропорт терминал мажмусини барпо этиши;

• Келгуси тўрт йил давомидан мамлакатда ҳар йили 200га яқин сармоявий лойиҳани ишга тушириш.

«Бундан ташқари, чегара ҳудудларни ривожлантириш, илм-фан шахарчаларини барпо этиши, алоҳида эҳтиёжи болаларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, давлат ижтимоий бўйича қонунлар қабул қилинади. Умуман олганда, давлат раҳбарининг Миллий қурултойнинг IV йигилишидаги ташабbus ва топшириқларни ҳам давлат органлари, ҳам бутун жамият учун мамлакатнинг ўзук муддатли тараққиёт йўналишларини белgilab беради», дейа хулоса қилди Давлат маслаҳатчиси.



## РАСМИЙ МАЪЛУМОТ

Қозоғистон Республикаси Президентининг “Бирин ва тутувлик йўлида 30 йил” мавзууси доирасидаги Қозоғистон ҳалқи Ассамблеясининг навбатдаги XXXIV сессиясини ҷақириш тўғрисида фармойиши қабул қилинди.

Қозоғистон ҳалқи Ассамблеясининг XXXIV сессияси 2025 йил 23-24 апрель кунлари Астана шахрида ўтади.

Қозоғистон ҳалқи Ассамблеяси котибияти.

# САЙЁХЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯНГИ ҒОЯЛАР



Вилоятда сайёхлик соҳасини ривожлантиришининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган режаси ишлаб чиқди. Ушбу йўналишдаги тадбирлар ва режалар вилоят ҳокими девон мажлисида мухокама килинди. Вилоят ҳокими Нуралий Кўшеров минтақанинг сайёхлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини таъкидлаб, мутасадидар зиммасига тегишили топшириклар юклиди.

– Сайёхлик соҳасига доир тасдиқланган кўрсаткичлар бажарилиши лозим. Вилоят-

даги сайёхлик иншоотларининг инфраструктуласини ривожлантириш масадиди аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиши топшираман, – деди Нуралий Кўшеров.

Вилоят сайёхлик бошқармаси раҳбари Нурадаувлет Медеуовнинг айтищича, 2029 йилга қадар минтақадаги сайёхлар сонини 1миллион кишига етказиш кўзланган. Шу орқали минтақанинг меҳмонхоналари ва сайёхлик инфраструктуласи даражаси ва жозибадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, табиий худудларга келадиган туристлар сонини 200 минг

нафарга, даволаш-согломлаштириш марказларига келадиган сайёхлар сонини 250 минг нафарга етказиш режаланмоқда.

Утган йили Италияning "Alpin Tour", "Tomiris Travel" компаниялари ва ҳамкорларига Туркистон вилоятининг сайёхлик дастурлари таништирилди. Бунинг самараси ўлароқ, яқинда вилоятимизга Италиядан 24 гурӯҳ (хар бир гуруҳда ўртача ҳисобда 20-25 сайёх)нинг иккى кунлик дастур билан келиши кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЯНГИ ИЖТИМОЙ ИНШООТ БАРПО ЭТИЛАДИ



"Тоза Қозоғистон" республика дастурини амалга ошириш бўйича Сайрам туманида "Намунали қишлоқ" танлови эълон килинди.

Ушбу лойиҳа қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, инфратузилмани таомиллаштиришга ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Бу ҳақда Сайрам

туманинг ҳокими Арман Сабитов маълум қилди.

– Утган йили Туркистон вилоятida "Намунали қишлоқ" минтақавий танлови эълон килиниб, унда ҳар тумандан биттадан қишлоқ иштирок этди. Ушбу таҳрибани туман даражасида йўлга кўймис. Қишлоқ иқтисодиётининг тараққиёти, фуқаролар ўртасида ҳамжihatlik va аҳиллиги, ёшларнинг таълим-тарбияси, қишлоқ ободончилиги ва маданияти, спортни оммалаштириши, қишлоқ аҳолисининг бўш вақтдан самарали фойдаланиши ва оқсоқоллар фоаоллиги синаланган танловининг натижасини чиқариш учун маҳсус ишчи гурӯҳ тузилиб, улар қишлоқларни

оралайди. Экологик тадбирларни муваффакиятли амалга оширган аҳоли мансизлар ўртасида голибликни кўлга киритган совиронд қишлоқга битта ижтимоий иншоот куриб берилади, – деди туман ҳокими.

Тадбирда "Тоза Қозоғистон" республика экологик дастурнинг йил якунинг қадар тасдиқланган режасини амалга ошириш масаласи мухокама килинди. Йил бошидан бугунги кунгача Сайрам тумани худудида 22 марта тозалик ишлари олиб борилди, уларда 40 900 одам иштирок этди. 106ta махсус техника сафарбар этилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## САЙЁР ҚАБУЛ – ЭЛГА МАҚБУЛ



"AMANAT" партиясининг Сайрам туман филиали Кўлкент, Орис ва Қутарис қишлоқлари аҳолиси учун сайёр жамоат қабулини ўтказди.

Унда вилоят маслаҳати депутати, партияниң фракцияси аъзоси Габиден Қапалбаев, Сайрам туманинг ҳокимининг

ўринбосари Сержан Дуйсебаев, партияниң туман филиали ижоровий котиби Қуаниш Сиздиқов, туман маслаҳат

депутати Ирисдавлет Қурбанов ҳамда хукуқ-тартибот идоралари вакиллари, қишлоқ ҳокимлари, бўлим раҳбарлари, хукуқшунослар ва мутахассислар иштирок этдилар. Қабулда аҳоли томонидан кўтарилиган муаммоларга доир хукукий маслаҳатлар берилди.

3. Мўминжонов.



### »» Вилоят маслаҳатида

#### Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари ва вилоят аҳолиси дикқатига!

«Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида» Қозоғистон Республикаси Конунийнинг 10-моддасига мувофиқ, саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари ўн олтинчи сессияси 2025 йил 9 апрель куни, соат 17.00да вилоят ҳокимлиги биносида ўтишини маълум қиламиш.

Мансиз: Туркистон шаҳри, "Янги шаҳар" кичик тумани, 32-кўча, 18-бино (1-қаватдаги мажлислар зали).

Депутатлар ва чакирилганларни рўйхатга олиш 9 апрель куни соат 16.00дан бошлаб зал фойесида юритилади.

Сессия мухокамасига кўйиладиган масалалар:

1. 2024 йил 13 декабрдаги 14/180-VIII сонли "Туркистон вилоят маслаҳатининг 2025-2027 йилларга мўлжалланган вилоят бюджети тўғрисида" қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Н. Абишов,  
вилоят маслаҳати раиси.

### Туркистон вилоят маслаҳати раисининг

2025 йил 1 апрелдаги 2-Ш сонли қарори

### Саккизинчи чақириқ

#### Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари ўн олтинчи сессияси чакириш тўғрисида

«Қозоғистон Республикасининг маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида» Қозоғистон Республикасининг 2001 йил 23 январдаги Конунийнинг 10-модда, 2-бандига мувофиқ, саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари ўн олтинчи сессияси 2025 йил 9 апрель куни соат 17.00да Туркистон шаҳрида чакирилсин.

Н. Абишов,  
вилоят маслаҳати раиси.

### БАЙДИБЕК ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 марта тўғрисида "Хокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида" 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралий Үралбайли Кўшеровнинг Байдибек тумани аҳолиси билан учрашуви 2025 йил 10 апрель куни соат 15.00да "Ёшлар имконият маркази" биноси (Чаён қишлоғи, Қарашаули кўчаси, 53-йўд) ва шахсий қабули 16.00да туман ҳокимлиги биноси (Чаён қишлоғи, Қарашаули кўчаси, 53-йўд)да ўтишини маълум қиламиш.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-92-22, 5-98-90, 5-98-80 алоқа телефонлари ҳамда «Е-етніш» аҳборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00гача (тушки танаффус соат 13.00дан 15.00гача) 2025 йил 8 апрелгача амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исм-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

### СЎЗОҚ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 марта тўғрисида "Хокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида" 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралий Үралбайли Кўшеровнинг Сўзоқ тумани аҳолиси билан учрашуви 2025 йил 10 апрель куни соат 10.00да "Мынъжалъы" маданият уйи (Чўлоққурғон қишлоғи, Жибек жўли кўчаси, рақамсиз ўйда ва шахсий қабули 11.00да туман ҳокимлиги биноси (Чўлоққурғон қишлоғи, Жибек жўли кўчаси, 16-йўд) ўтишини маълум қиламиш.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-92-22, 5-98-90, 5-98-80 алоқа телефонлари ҳамда «Е-етніш» аҳборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00гача (тушки танаффус соат 13.00дан 15.00гача) 2025 йил 8 апрелгача амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исм-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

### САВРОН ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 марта тўғрисида "Хокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида" 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралий Үралбайли Кўшеровнинг Саврон тумани аҳолиси билан учрашуви 2025 йил 11 апрель куни соат 10.00да А. Байтурсинов номли мактаб биноси (Чўроноқ қишлоғи, Темирбаев кўчаси, 20-йўд) ва шахсий қабули 11.00да туман ҳокимлиги (Чўроноқ қишлоғи, Темирбаев кўчаси, 30-йўд) ўтишини маълум қиламиш.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-92-22, 5-98-90, 5-98-80 алоқа телефонлари ҳамда «Е-етніш» аҳборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00гача (тушки танаффус соат 13.00дан 15.00гача) 2025 йил 9 апрелгача амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исм-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

### КЕНТОВ ШАХРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 марта тўғрисида "Хокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида" 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралий Үралбайли Кўшеровнинг Кентов шаҳри аҳолиси билан учрашуви 2025 йил 11 апрель куни соат 15.00да Ш. Қалдақов номли маданият уйи (Кентов шаҳри, С. Байтереков кўчаси, 2-б ўйда) ва шахсий қабули 16.00да шаҳар ҳокимлиги биноси (Кентов шаҳри Яссавий шоҳкўчаси, 87-йўд) ўтишини маълум қиламиш.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-92-22, 5-98-90, 5-98-80 алоқа телефонлари ҳамда «Е-етніш» аҳборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00гача (тушки танаффус соат 13.00дан 15.00гача) 2025 йил 9 апрелгача амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исм-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (мавжуд бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

### САЙРАМ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 марта тўғрисида "Хокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида" 826-сонли фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралий Үралбайли Кўшеровнинг Сайрам тумани аҳолиси билан учрашуви 2025 йил 25 апрель куни соат 10.00да Қ. Жандарбеков номли маданият ўйида (Сайрам тумани, Абилаҳан кўчаси, 71-йўд) ва шахсий қабули соат 11:00да туман ҳокими девони биноси (Сайрам тумани, Илак йўчаси, 95-йўд) ўтишини маълум қиламиш.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99, 5-93-97, 5-92-22, 5-98-90, 5-98-80 алоқа телефонлари ҳамда «Е-етніш» аҳборот тизими орқали соат 09.00дан 19.00гача (тушки танаффус соат 13.00дан 15.00гача) 2025 йил 23 апрелгача амалга оширилади.



»» Тўйхат ўрнида

## Олим отанинг етмиши саққизинчи баҳори

Саврон тумани, Янги Икон қишлоғидаги фаол жонкуяримиз, нафақадаги устоз, моҳир бөгбон, кимё фанлари бўйича ҚР Таълим ва зирлиги томонидан лицензияланган ихтиролар мувалфи, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Олим Қосимов(тасвирда) етмиши саққизинчи баҳорни карши олмоқда.

Ўғли Тўлқин билан улкан савобога доҳил кўп йиллик холисиз хизмати – хафта сайнин "Жанубий Қозоғистон" газетасини қишлоқдаги муштариylарга ўз вақтида мунтазам етказаётганинг миминияти билан таъқидлайдиз. Муштариylаримизнинг бодорчиллик бўйича саволларига жавоблар аксарият ҳолларда газетамизда Олим Қосимовнинг тавсиялари асосида берилмоқда. Билими ва кўп йиллик тажрибаси билан "Хабар" телеканалида ўз бугид битта олма дараҳтида пайванд орқали ўн хил нав мева етиширишга эришган моҳир бөгбон, собик ўқувчиларни обунаға жалб этишда фаоллик кўрсатганд жонкуяр жамоати ҳам Олим Қосимовдир.

Кишилодаги ёнг кўхна ўқув даргоҳи – М. Улуғбек номли умуттаълим мактабида муаллимлик жабхасида самарали меҳнат килиб, фахрий хордикка чиқсан, кўплаб шогирдлар тайёрлаган, таҳририят ташаббуси билан ташкил этилаётган тадбиirlарда фаол иштирек этаган О. Қосимовни таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик ва барча эзгуликларни тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Мувалиф тасвири.



»» Молиявий саводхонлик

## ЁШЛАР ҚИМОРБОЗЛИККА ҚАРШИ

ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти қошидаги Оналар кенгashi раисаси, таниқи педагог Гулчехра Исмоилова раҳбарлик қиласдан Оқувсувкт қишлоғидаги Анвар Исмоилов номли касб-хунар колледжидаги сўнгги йилларда ёшлар орасида авж олаётган қиморбозлик иллатининг олдини олиш масаласига бағишланган катор тадбиirlар ўтказилмоқда.



Манкент қишлоғи ҳокимлиги қошидаги хотин-қизлар кўмитаси раисаси Сайёра Довонова ҳамда Оналар кенгashi аъзолари, коллеж руҳномолари У. Абзолова, Н. Кулажмедова, М. Шўнкебаевларнинг сайди-ҳаракатлари билан 11-сонли "Манкент" ўрта мактаби мажмислар залиди ушбу мавзуга бағишланган семинар ўтди. Тадбиirda M. Шўнкебаев мавзу бўйича маъруза қилди. Руҳшон Н. Кулажмедова ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарга маҳорат дарсини ўтиб, берилган саволларга жавоб берди.

Семинарда сўзга чиқсан "Манкент" ўрта мактаби директори,

туман маслаҳати депутати Мунаввар Убайдуллаева қиморбозлик нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам бу хатарли ўйларни кетаётганинг ва бугуннинг долзарб масалаларидан бирни эканлигига тұхталди.

Мутахассислар ёшларга карата қимор ўйнинлари эмас, балки спорт билан шуғулланыш фойдалыро эканлигини таъкидлаши ва тадбиirlarни вилоятимизнинг барча таълим мусасасаларида ўтказиш зарурати туғилмоқда.

Сайд ТУРСУНМАТОВ.  
Суратда: тадбиirdan лавҳа.

»» Саховат

## МУРУВВАТДА ҲИКМАТ БИСЁР

Сайрам туманидаги «Ўйда ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази» муассасасининг ҳимоясига олингандан 18 ёшдан ошган имконияти чекланган 90 нафар фуқарога Рамазон ҳайти муносабати билан озиқ-овқат саватчалари тарқатилди.

Саватчаларни уйларга етказиша Яйра Норметова раҳбарлигидаги «Sadaqa» ҳайти бирлашмаси ходимлари ёрдам бердилар. Уларга муассаса раҳбари Абдий Узақов миннатдорчиларни билдири.



3. МҮМИНЖНОВ.

## ҚИШЛОҚ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚЎЛЛАЙДИ

Қазигурт туманидаги Шарбулақ қишлоғининг вакиллари Улус-нинг улуг куни Наврӯз ҳамда Рамазон ҳайти байрамини юксак савияда нишонлашди. Байрам нафақат миллий қадриятларни тарғиб қилиш, шу билан бирга қишлоқ аҳолисининг соғлом турмуш тарзига риоя қилишга ҳам асос бўлди.

Байрам тадбиiri дастурiga кўра, Шарбулақ қишлоғининг вакиллари тонги соат 8дан бошлаб кексаю ёш соғлом турмуш тарзини татбик этиб, югуриш марафонида иштирик этишиди.

Сот танди соглом ақл, деганларидек, беллашувауда иштирик этган 70 ёшли қариядан 7 ёшли болакайгана фаоллик кўрсатиб, ушбу ташаббусни кўплаб-куватлади.

Голибларга қишлоқнинг фаҳри



фуқаролари ҳамда ташаббускорлар томонидан махсус совгалар топширилди.

Қазигурт тумани ҳокимлигининг матбуот хизмати.

Директор – Баш муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОЕВ.

Баш муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шахноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ, +7701-610-51-22  
Қазигурт – Ҳуршид КЎЧҚОРОВ, +7701-447-37-42  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖНОВ, +7702-278-96-90  
Тулибкош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА, +7747-144-60-71  
Жетисай, Мактабар – Мухтарбай УСМОНОВА, +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА, +7702-841-78-82  
Кентов, Сўзок – Рўзиохун МАДАЛИЕВ, +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятини" масъулиятини чекланган бирордарлариги.

• Маколалар, эълон ва билдирулардаги факт хамда делверларнинг тўртилес учун мувалифлар, роҳтама ва эълон беруучилар масъулдор.  
• Ройдапланнишланган маколаларга ёзма жаёб кайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият яхшидаги рўзгордатиги томонидан 2020 йил 21 апрелдаги рўзгордатиги олиниб, KZ34VPY00022503 гучохона берилсан.

«ERNUR-print» МЧБ босмаконасида чоп этиди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳкӯчаси, 6-йи, 3-кварт.

Телефон: 53-07-10. Телефон: +7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатчи – 65466.

Адади – 11400 нусха.

Буорта: 737.

Навбатчи муҳаррир: Мухтарбай УСМОНОВА.

## МУРУВВАТ ВА ҒАМХЎРЛИКДАН ДИЛЛАР ЧАРОФОН

Муборак Рамазон ҳайти арафасида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги муносабати билан Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси «Шукр» ҳайрия жамғармаси ва «Niyet hajj&umrah» компанияси ҳомийлигига «Мурувват тимсоли» мавзуида ҳайрия тадбиirlарни ўтказди.

«Наврӯз» истироҳат боғида ўтган тадбиirlarda Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳиржон Нишонбоев, шаҳар ҚХА котибияти мудираси Айгул Амзева, Қоратов туманинг хокими Рахимберди Мулкеманов, «AMANAT» партияси Қоратов тумани филиали раиси Баиржан Кенесули, «Niyet hajj&umrah» компанияси президенти Маъруфжон Камолов, «Шукр» жамғармаси директори Мухаммадали Содиков ва бошқалар сўзга чиқиб, барчани байрам билан кутлади ҳайрия тадбиirlарни билдирилди.



Ҳайрия кечасида 500 нафар ногирон, ётим ва кам таъминланган оилалар фарзандларига байрам дастурхони ёзилиб, уларга совғалар улашиб, бир неча оиласа пул сертификатлари топширилди. «Niyet hajj&umrah» компанияси томонидан қорабуоқлик жамоат фидойиси Рустамжон Тошметовга белуп умра йўлланаси таҳдим этилди. «Шукр» ҳайрия жамғармаси томонидан Шимкент шаҳрида яшовчи кўблолали ёлизига Айсулу Кенжебаевага уч хонали квартира калитини Шимкент шаҳар ЎЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси мувонини Орифжон Холназоров топшириди.

Сайд ХАЙРУЛЛОХ.

»» Тарбия

## Оқила она

Бола онасининг олдига йиглаб кирди.

- Нима бўлди? – сўради она.
- Анови Мансур менинг урди. У энди менинг акам эмас, уни мен ака демайман, ҳали кўчага чиқсан, мен ҳам ўғли Рустамни ураман, – ҳиқиллади бола.

Она олти яшар боласига ичи ачиди. Аммо заҳрини ичига ютди.

– Сени аканг урган бўлса, гапига кирмагандирсан. Айтганини қўлмагандирсан. У сенинг амакинг, дадангнинг ўйнуси, сени яхши бўлсин, тўғри йўлга тушиб олсин, – деб шундай қилган.

– Баривер, уни ака демайман. Ҳали дадам ишдан келсин, менинг урдига айтиб бераман.

– Зинкор ўндай қимла. Даданг бизни ҳайдаб юборади. Ахир у якиси-ку! Биздан кўра, укасини яхши кўради.

– Нега биздан кўра уни яхши кўради?

– Ахир сен ҳам уканг Дониёрни ҳаммадан яхши кўрасан-ку! Ё бирор Дониёрни ёмонласа, кўшилишиб ёмонлайсанми? Амакингни ҳам даданг шундай яхши кўради. Уни ёмонласанг, даданг сени ёмон кўриб қолади.



Бола онасининг гапидан йўлланиси қолди.

– Сен, яхиси, ҳозир уларнига чиқин-да, келинингга ёрдам бер. Кичик ўғли Рустамжонни йўнатаби тур. Ана шунда амакинг уялиб қолади. Кейин сени яхши кўриб қолади. Сенга зинкор ёмон гапирмайдиган бўлалиди. Мана кўрасан, даданг ҳам сени янам яхши кўриб қолади.

Бола аввал тихирлик қилиб пича турди, лекин бирор ўтгач, чиқиб кетди. Икки соатлардан кейин юргурганча кирип келди.

– Ой, дам олиш куни амаким Рустам икковимизни шаҳарга йўнатани олиб борар экан.

– Рустамжон дегин, болам, Рустамжон дегин, ё укам дегин. Ахир у ҳам сенинг уканг-ку. У ҳам сени акам деб янам яхши кўриб қолади. Амакинг сизларни жуда яхши кўради-да, ортингдан мақтагани-мақтаган. Вой, бирар маззаба қилиб ўйнаб келар экансизлар-да. Қанийди, менинг амаким бўлса-ю, йўнатаби келса.

Она оиласининг тўнгич келини эди. Бошқа келинлар ҳам ундан ибрат олиб ўргандилар. Кейинчалик болалар бир-бирларига меҳр-оқбатли инсонлар бўлиб улғайдилар. Яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам бир-бирларига ҳайрияни беради. Ахир уларнига қалбларига аҳиллик, иноқлик, меҳр уруғини оқила она ўз вақтида экиб улғурганди-да.

С. ҲАҚИМОВ.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.